

---

## Қарз ҳисобига “КАПТИВА” хатланди

Бюронинг Бешариқ тумани бўлими иш юритувидаги ФИБ Ўзбекистон туманлараро судининг 21.11.2022 йилдаги қарздор Қ.С.дан ундирувчи АТБ “Капиталбанк” Қўқон филиали фойдасига 187.626.476 сўм кредит қарзини ундириш ҳақидаги ижро ҳужжати бўйича ундирув гаровга қўйилган “КАПТИВА” русумли автотранспрт воситасига қаратилган Қарздорга ижро ҳужжатидаги талабларни бажариш учун 15 кунлик ихтиёрий муддат берилган бўлсада, қарздор қарзини тўлаш чорасини кўрмаган ва 12.01.2023 йил куни гаров мулки бўлган “КАПТИВА” русумли автотранспорт воситаси хатланиб, бюронинг жарима майдонига олиб кирилди Хозирда мазкур хатланган мулк электрон онлайн-аукционга савдога чиқарилмоқда Автомашинани аукцион савдога чиқариш жараёнида қарздор кредит қарзини тўлашига умид қиламиз МИБ Бешариқ тумани бўлими

2023-01-18 17:28:54